

## Дўстлик мусобақаси

☒ 2018 - йил 11 - декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўртасида спортнинг футбол тури бўйича терма жамоалар ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Мақсад тажриба алмашиш, малака ошириш, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу ишларнинг амалий ифодаси. Кейинги йўналишлар спортнинг яна бошқа турлари бўйича ҳам ўтказилиши белгилаб олинди. Ёнғин хавфсизлиги институти футбол командаси сардори томонидан Жисмоний маданият ва спорт кафедрасига эсдалик совғалари топширилди.

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**